

8-28-2019

## Abu Rayhan Beruniy – literary scholar

M. Madaminova

*Ferghana State University, Ferghana, Murabbiylar 19, fdujournal@fdu.uz*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu>



Part of the [Linguistics Commons](#)

---

### Recommended Citation

Madaminova, M. (2019) "Abu Rayhan Beruniy – literary scholar," *Scientific journal of the Fergana State University*. Vol. 2 , Article 27.

DOI: 8-1/-9+(041)

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu/vol2/iss3/27>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific journal of the Fergana State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

УДК: 8-1/-9+(041)

**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ – АДАБИЁТШУНОС**  
**ABU RAYHAN BERUNIY – LITERARY SCHOLAR**  
**АБУ РАЙХАН БЕРУНИЙ - ЛИТЕРАТУРОВЕД**

**М.Мадаминаова**

**Аннотация**

Мақолада Уйғониш даврининг буюк олими Абу Райхон Берунийнинг адабиётшунослик соҳасида кўрсатган хизматлари ҳақида сўз юритилган. Берунийнинг адабиётшунослик масалаларига оид кузатувлари “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” ва “Ҳиндистон” китобларидаги маълумотлар асосида баён қилинган. Адабиётшуносликда жанрлар масаласига оид кузатувлари ва таҳлилларига алоҳида эътибор қаратилган. Берунийнинг адабий асарининг юзага келиши ва ижодкор шахси каби масалалар ҳақидаги қарашлари бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмагани таҳлил қилиб берилган.

**Аннотация**

В статье рассказывается о заслугах Абу Райхана Беруни, великого ученого эпохи Возрождения, в области литературы. Наблюдения Беруни за литературной критикой основаны на находках книг - древних памятников Индии. Особое внимание уделено наблюдениям и анализу жанров в литературе. На основе анализа, в статье констатируется, что взгляды Беруни на появление литературного произведения и творческой личности не утратили значимость и актуальны и по сей день.

**Annotation**

This article deals with the services of Abu Raykhan Beruni, the great scholar of the renaissance period, in the field of literature. Biruni's observations on literary criticism are based on the findings of the Books of the Ancient Monuments and India. Special attention is paid to the observations and analyzes of genres in literature. It has been analyzed that Beruni's views on issues such as the emergence of a literary work and his creative personality are still significant.

**Таянч сўз ва иборалар:** қомусий олим, Шарқ, рисола, илмий фаолият, орзу, грамматика, ведалар, ригведа, адабиёт.

**Ключевые слова и выражения:** ученый-энциклопедист, Восток, брошюра, научная деятельность, мечта, грамматика, веды, ригведа, литература.

**Keywords and expressions:** encyclopedist-scholar, East, brochure, scientific activity, dream, grammar, vedas, rigveda, literature.

Шарқнинг буюк алломаларига нисбат бериладиган “қомусий олим” деган иборанинг моҳиятига диққат билан эътибор берилса, мазкур иборанинг заминиде уларнинг фақат табиий фанларгагина эмас, балки бир қатор ижтимоий-гуманитар фанларга ҳам бўлган муносабатлари ётади. Абу Али ибн Сино ва Абу Райхон Беруний ана шу қомусий олимларнинг пешқадамлари ҳисобланади.

Ибн Синонинг шеър санъатига оид рисолаши, шунингдек, “Тайр, ” “Соломон ва Ибсол” “Ҳай бин Яқзон” қиссалари, Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон” каби тарихий-этнографик асарлари нафақат Шарқ оламида, балки дунё илмида уларнинг катта ижодкор ва олим эканликларини кўрсатадиган далиллардир. Ҳар иккала олимнинг илмий ва ижодий фаолияти адабиётшуносликда “Ғазнавийлар даври адабиёти” [1,124] деган алоҳида адабий даврни ажратиб ўрганишга асос бўлди.

Берунийнинг адабиётга муносабати академик А.Қаюмовнинг “Беруний ва адабиёт” номли китобида бир мунча таҳлил қилинган [2]. Устоз мазкур китобида Берунийнинг барча асарларидаги ривоятлар, афсоналар, Беруний ўзи ижод қилган шеърларни таҳлил қилган. Биз эса Берунийнинг адабиётшунос олим сифатидаги фаолиятига эътибор қаратишни, яъни адабиётшунослик учун унинг хизматлари нималардан иборат эканини ёритишни мақсад қилиб қўйдик. Беруний ўз илмий фаолиятида адабиётшунослик масалаларига “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” ва “Ҳиндистон” китобларида алоҳида эътибор қаратган.

“Ғазнавийлар даври адабиёти” деган ном биз ўрганмоқчи бўлган Абу Райхон Берунийнинг адабиётшунослик фаолиятини тўлиқ қамраб олади. Зотан, бундай даврлаштиришсиз Берунийнинг адабиётга хизматини ва адабиётшуносликдаги хизматларини тўлиқ баҳолаб бўлмайди.

М.Мадаминаова – Тошкент давлат санъат ва маданият институтининг мустақил тадқиқотчиси.

Хусусан, Берунийнинг илмий фаолиятида адабиётшунослик масалаларини ўрганиш учун унинг турли фан соҳаларига оид асарларига эътибор қаратиш зарур. Жумладан, Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида адабий жанрларга алоҳида эътибор қаратганидан маълум бўладики, у адабиётшунослик масалаларини, фаннинг назарий масалаларини чуқур таҳлил қилишни ҳам мақсад қилиб қўйган.

Зотан, у “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарининг ёзилиш сабабларини айтган экан, қуйидагича изоҳлайди: “Асарни ёзишга кириша бошлаб айтаманки, мендан сўралган нарсага етказувчи воситаларнинг энг муҳими – қадимги миллатлар ҳақидаги ривоятлар, ўтмиш авлодлар тўғрисидаги хабарларни билишдир, чунки буларнинг кўпчилиги у миллатлар авлодидан ва уларнинг расм у русум ва қоидаларидани боратдир. Ақлий нарсалардан далил келтириш, кузатилган нарсаларга қиёс қилиш йўли билан у хабарларни билиб бўлмайди. Буни фақат “китоб аҳллари” ва турли дин арбобларига эргашиш, уларнинг тушунчаларини ҳамиша асос тутиш билан билинади. Сўнгра буни кўпчилик кишиларнинг табиатини пасткашлаштирадиган ёмон ахлоқдан, ҳақиқатни кўришга имкон бермайдиган омиллардан ўзни тозалагандан кейин, уларнинг исбот учун келтирган сўз ва эътиқодларини бир-бирига солиштириш билан билинади. Ана шу айтиб ўтганим ҳақиқий мақсадга етказувчи энг яхши йўл ва бунга доғ туширувчи шак-шубҳани ювиб ташлаш учун энг кучли ёрдамчидир....

Шу билан бирга, мен тутган йўл ва белгилаган усул осон эмас, балки узоқ ва қийин йўлдир. Хабар ва ривоятларга кириб қолган ёлғон сўзларнинг ҳаммаси ҳам равшан эмас. Бошқа далиллар бўлмаганда, баъзиларининг ёлғонлигини билиб бўлмасди. Одамлар ҳозир ҳам, ўтган замонларда ҳам шундай табиий ҳодисаларга дуч келган, агар ўшандай ҳодисалар узоқ замонларда юз берган деб ҳикоя қилинса, албатта, биз бунга ишонмас эдик” [3,40-41].

Келтирилган мазкур иқтибосга диққат билан эътибор берилса, Берунийнинг асосий мақсади аёнлашади. Берунийнинг мазкур иқтибосидан шу нарса аён бўладики, у

адабий танқидчи сифатида бадиий ижоднинг умумий қонуниятлари, бадиий асарнинг юзага келиши ва ижодкор шахси каби масалалар ҳақида ўз қарашларини илгари суради. Беруний сўз ва бадиий ижод ҳақидаги бу қарашларини тарих ва тарихий воқеалар, йил ҳисоби ва куннинг вақтларини тадқиқ этиш билан боғлиқ равишда ўртага чиқаради. Жумладан, Беруний тун ва тонг пайтининг бир-биридан чегараланиши ҳақида тўхталар экан, одамлар бу пайтларни билдирадиган номлашни мажоз ва истиора ўрнида қўлланиладиган вақтни билдирувчи ибораларга боғлиқ эканини айтади [4,45]. Беруний бу таҳлилларни ва кузатувларни ўз асарида баён қилганда, адабиётшунослик терминларини асосий қурол қилиб олгани аёнлашади. Мажоз ва истиора терминларини Беруний қўллашидан маълум бўладики, адабиётшунослик тарихий, физик ва астрономик масалаларни ўрганишда ҳам қурол вазифасини ўтаган.

Қолаверса, Беруний аввал келтирилган иқтибосда адабий жанрлар, жумладан, ривоят ва хабар жанрининг икки вазифасини келтирган эди. Биринчи вазифаси – мазкур жанрлар ўтмишдан ҳақиқий ва ишончли воқеаларни авлодларга етказишидир; иккинчи вазифаси – адабий жанрларнинг инсониятни комил қилиш йўлидаги маънавий вазифаси бўлиб, сўз ва эътиқоднинг яхлитлиги ва шу йўлдаги саъй-ҳаракатлар инсониятни нопокликлардан поклайдиган омилдир. Беруний адабий жанрлар ҳақида сўз юритганда, нафақат адабиётдаги вазифаси, балки инсониятнинг комиллик йўлидаги вазифасига ҳам эътибор қаратади. Асли адабиётнинг пировард мақсади инсониятнинг ички, руҳий, маънавий жиҳатларига хизмат қилишдан иборат бўлиши кераклиги азалдан маълум.

Беруний баъзи тарихларни бошқасидан ҳисоблаб чиқариш ҳақида сўз юритар экан, буни амалга ошириш учун афсоналар, ривоятлар, маълум бир тарихий воқеалар баёнидан фойдаланади. Жумладан, у ҳамма халқларда маълум бир даврнинг Одам атоси ва Момо Ҳавоси борлигини бир қанча далиллар орқали кўрсатар экан, бу афсоналарнинг энг қадимийси Пешдодийлар сулоласининг адолатли ҳукмдори Пешдод даврига оид эканини далиллаш мақсадида Меша ва Мешона афсонаси ҳақида фикр юритади.

Берунийнинг бу афсонани келтиришидан мақсади давр эраси ҳар иккаласига боғлиқ эканини кўрсатиш эди. “Пешдод Фирдавс деган жойда ота-онаси номаълум бир йигит ва бир қизни учратган, икковини тарбия қилиб, уларга Миша ва Мишона, деб от қўйган ва икковини бир-бирига қўшган. Кейин улар хато иш қилиб қўйганлар, Пешдод уларни ҳалиги ер(Фирдавс)дан ҳайдаб чиқарган. Айтишларича, бу афсоналар жуда узундир” [5,136]. Бу сингари далилларни Берунийнинг мазкур асаридан қўлаб келтириш мумкин

Беруний “Ҳиндистон” асарида ҳам *ведалар*, *ригведа* ҳақида сўз юритар экан, бу китобларни қадимда ҳиндлар қандай ўқиганлари, бу китобларни ўқиш қоидалари, кимлар ўқишига рухсат берилгани ва уларни ўқиш усуллари ва ҳ.к.лар ҳақида батафсил сўз юритади [6,106-113]. Бу китобларнинг назарий қоидаларини батафсил ҳикоя қилишидан маълум бўладики, Беруний адабиётшуносликнинг, хусусан, шеършуносликнинг назарий қоидаларидан

яхши хабардор бўлган. Ҳиндларнинг грамматика ва шеър ҳақидаги китоблари ҳақида баён қилганда эса санскритчадаги бир қатор шеър китоблари ҳақида тўхталади. Шеър ва грамматика илми ҳақидаги китоблар бошқа ҳамма фанлардан юқори экани, бу иккала илм бошқа фанларни ўрганишга калит вазифасини бажаришини айтади. Қадимда ҳиндларда наҳв, яъни синтаксис илми қандай пайдо бўлганига оид қизиқарли бир ривоятни келтирган. Бу ривоятга кўра, наҳв илмига ҳиндлар ниҳоятда катта аҳамият берганлар.

Шунингдек, шеършунослик терминларига, хусусан, аруз сингари *чанда*, шунингдек, *шлока* терминларини ҳам шарҳлайди ва бу адабиётшунослик терминларининг ҳинд адабиётшунослигидаги ўрнига алоҳида эътибор беради. Мана шу тариқа Беруний ҳиндларнинг бошқа қўлаб илмлари ҳақида сўз юритиб, адабиётшуносликнинг, умуман филология фанининг мавқеини ва назарий масалаларини кўрсатиб беради.

#### Адабиётлар:

1. Бу ҳақда қаранг: Раҳмонов Н. Ўзбек адабиётини даврлаштириш масалалари, -Т.: MUMTOZ SO“Z, 2016 ; Раҳмонов Н. Ўзбек адабиёти тарихи (Энг қадимги даврлардан XV асрнинг биринчи ярмигача). Ўқув қўлланма. -Т.: Сано-стандарт, 2017.
2. Қаюмов А. Беруний ва адабиёт. – Т. Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.
3. Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. –Т.: Фан, 1968, Б.40-41.
4. Беруний. Юқоридаги асар.
5. Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар..., 136-бет.
6. Беруний. Ҳиндистон. –Т.: Фан, 1965.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев– филология фанлари доктори).